83.3Уз 7
М 31

Абдулла
Матёқубов

ХАЁТ ва БАДИИЯТ

ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

ШЕЪРИЯТ БИЛАН СУҲБАТ

Дебоча

Биз санъаткорона ёзилган поэтик асарларни ўқиганимизда кимгадир ўз туйғуларимизни изҳор этаётгандек, баъзи ҳолларда кимнингдир суҳбатини тинглаётгандек бўламиз. Шеър қалбимиздаги мудроқ хотираларни уйғотади, босиб ўтган йўлимизга назар ташлашга ундайди. Турмуш ҳақида, инсонлар тақдири ҳақида ўйга толдиради, ҳиссий сезгиларимизни уйғотиб, маънавий дунёмизни ёритади. Қисқа қилиб айтганда, шеърият билан сирлашамиз, дардлашамиз. Ўзимизда йўқ бўлган нарсаларни ундан топиб оламиз. Бугунги кунда туркум-туркум асарлар эълон қилаётган Зулфия, Асқад Мухтор, Шукрулло, Шуҳрат, Рамз Бобожон каби устозларнинг ижод намуналаридан ким завқ олмайди дейсиз. Уларнинг асарлари сизни суҳбатга чорлайди. Уларнинг суҳбатларидан бир дунё завқ оласиз.

Азиз ўқувчилар, «шеър билан суҳбатлашиб бўлармикин», деб ҳайратга тушсангизлар ажабмас. Аслида бунга ажабланмаслик керак. Яхши шеърхон шеър билан суҳбатлашади, унинг ўгитларидан, маслаҳатларидан сабоқ олади. У Сизларга дилбар бир маҳбуб, самимий дўст, донишманд ота қиёфасида кўриниш беради. Чанқоқ руҳингизга ором бахш этади. Бундай сифатларда Сизларга чирой кўрсатиши учун аввало ўз шакл-шамо-

йилига эга бўлиб яралмоги керак, албатта. Шундагина у сиз билан сўзлашишга лаёқатли бўлади.

Шеър — тирик организм

Шеъриятимиз бугунги кунда юксак чўққиларга кўтарилди. Балки шунинг учундир шеъриятдаги ютуқ ва камчиликлар ҳам кўзга яққол ташлана бошлади. Бугунги поэзиянинг жадал суръатлар билан ривожланишини кузатсангиз устозлар анъаналари такомиллашаётганини, янги-янги изланишлар жараёнк ҳам давом этаётганини кўрасиз. Бу изланишлар доимо ютуқлар билан ҳам якунлана бермайди. Ғурур билан шуни айтиш мумкинки, юксак санъаткорлик билан ёзилган асарлар шеъриятимизда кўп. Бу асарлар соғлом тирик организм. Табиатнинг ўзи санъаткор. У нимаики яратса ўзига хос мазмун, шакл беради. Ҳар жиҳатдан муқим қилиб яратади. Шеъриятни жонли организмга ўхшатишимизнинг боиси ҳам шунда. Санъаткорлик билан яратилган асарлар ҳар бир жиҳатдан пухтаки, у кўз олдингизда жонли бир ҳолатда намоён бўлади. У билан суҳбатга киришсангиз ундаги сеҳрни, қудратни туя борасиз. Ҳақиқатан жонли организм эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Хўш, шеърнинг тирик организмлиги нимада? Баъзи ҳолларда шундай шеърий асарларни ўқийсиз, у сизнинг ҳиссингизга таъсир этмайди. Чунки у ўлик. Шеърнинг ўзи жонсиз. Бу хил шеърда ўзига яраша одми фикр ҳам бўлади, мисралар ҳам равон, қофиялари дуруст. Лекин

сизга таъсир этмайди. Чунки, шеърда муаллифнинг ўзи ва теран маънодаги поэтик мушоҳада бўлмайди. Муаллифнинг ўзи, инсон руҳий дунёси тасвири, жиддий поэтик фикр бўлмаган асарлар жонсиздир. Муаллиф сиз билан образлар қиёфасида суҳбатлашади:

Намхуш киприкларнинг бағридан
Эй, кўзлари шод кулган Ватан.
Абдулланинг ташбеҳларидан
Қуёш бўлиб тикилган Ватан.
Жондан ортиқ севаман, дея
Ҳар пучмоқда кўкрак кермасман.
Табиатки, ишқ берган менга
Уни ҳеч вақт мен бой бермасман.
Тириклигим ўзингсан зотан;
Ўлимим ҳам сенга аталган.
Мен бетимсол муҳаббат билан
Айланаман бир кун Ватанга.

Шоир гўё одамлар билан юзма-юз сўзлашаётгандек. Бу суҳбат ватан ҳақида. Унинг қадр-қиммати ва моҳияти ҳақида. Бироқ бу янгиликми? Ҳа, бу шеър бизга янгилик бўлиб туюлади. Чунки шоирнинг Ватан тушунчасига ўзига хос қараши нуқтаи назари бор. Бизнинг диққатимизни аввало шу ўзига хослик тортади. Ўзимиз билган Ватан ҳақидаги шеърларнинг қаторига бу шеърни қўшиб қўямиз. Шу келтирилган парчанинг ўзи ҳам шеърнинг тирик организм эканлигини кўрсатади. Асарда муаллиф ўзининг ҳисларини ниҳоятда жиловлаган ҳолда босиқ фикр юритади. Беҳуда риторикаларга ўрин беравермайди.

Миралар шивирлаб ўқилади. Бироқ инсон руҳий оламини забт этади. Шеърда фавқулодда мураккаб образли ифодалар, эпитет ва картиналар кўзга ташланмайди. Ёш шоир Усмон Қўчқоровга бу хил усул,—баъзи ижодкорлардек топқирлигини намойиш этиш хос эмас. Бори оддий сўзлар тизмасидан иборат. Бунда лирик қаҳрамон Ватан хусусида ўйга толар экан, ўзини шу дунёнинг бир «заррасин» деб билади. Бу асарда Инсон ва Ватан тушунчаси яхлит бир образда мужассамлашади. Муаллифдаги нозик тасаввур, чуқур маъно касб этади. Гоҳо суҳбатдошинг ақлли одам бўлса-да, унинг сўзлари ёқмайди. Сиз уни кўнгил учун, одамгарчилик нуқтаи назаридан тинглашга мажбур бўласиз. Баъзи ҳолларда бирон баҳона ахтариб жўнаб қоласиз. Баъзи кишиларнинг суҳбатларига тўймайсиз, эшитган сайин эшитгингиз келаверади. Шеър ҳам шоирнинг шеърхон билан баъзан юзма-юз, баъзан ғойибона, яъни китоб орқали суҳбатлашишидир.

Ҳаётда ҳар хил фожеалар бўлади. Бунинг энг оғири инсон ўлимидир. Одам учун ундан оғирроқ мусибат йўқ. Бироқ шоир шу оғир фожеадан ҳам ёруғ нур излайди. Инсон ўлгани билан тамом йўқ бўлиб кетмайди, деб ишонади у. Унинг бу ишончи қутлуғ бир ишонч! «Оқибатда мени ҳам кимдир, ўпиб-ўпиб суртар кўзига», деб шоир ёруғ бир умид билан сўзлайди. Биз ҳам унга ишонамиз. Зеро, бу ерда поэтик мантиқ бор. Биз шоирнинг сокингина «Тириклигим ўзингсан зотан, Ўлимим ҳам сенга аталган» дейишининг мағзини чақа борамиз. Йиллар ўтади. Йилларга қўшилиб биз ҳам ўтамиз. Она за-

минининг бир заррасига айланиб, Ватан номи билан кўзларга суртилиши лозим бўлган шарафли тупроқ тимсолига айланамиз. Шеърхонни ўйга толдирадиган, ҳаяжонга соладиган шеърдаги сеҳрли туйғу ҳам шунда. Бундай асар сўзсиз тирик организм. У ҳамиша ҳаракатда бўлади. Ҳар гал ўқиганимизда бир нима кашф қиламиз, руҳимизда ғалаён уйғота беради. Шеърнинг қудрати ҳам шу, яъни севимли шоиримиз Асқад Мухторнинг «Поэзия» асаридагидек: биз япроқларни китобдай ўқий бошлаймиз. руҳимизда булбуллар сайрайди, гоҳида ойга қараб бўзлаймиз... Буларнинг ҳаммаси шеъриятнинг сеҳри туфайли тасаввуримизда пайдо бўлади. Шеъриятнинг сеҳри туфайли улардан маъно уқамиз. Забардаст мунаққидларимиздан Иброҳим Ғафуров шеъриятимизнинг бугунги камоли хусусида мароқ билан гапириб, баъзи яратилаётган асарларнинг ўқишли бўлмаётганлигининг боиси «сеҳрсизликда» деб куюнади. Ҳақли эътироз. Бугунги қалам аҳлини саводсиз деб бўлмайди. Улар шеъриятнинг вазифасини тушунадиган, шеърий асарнинг фарқига ета оладиган кишилар. Демак, улар шеъриятдаги «сеҳр»ни ҳам яхшигина англайдилар. Тўғри, ҳаётда инсон жуда кўп нарсаларни ҳис этади, билади. Баъзан эса билган нарсаларининг ўндан бирини ҳам амалда қўллай олмайди. Бизнинг назаримизда қаламкашларимиз ҳам худди шундайга ўхшайди. Улар билан бўлган суҳбатларда шуни англаймизки, бу қаламкашларнинг барчаси ҳам шеъриятнинг жонкуярлари. Бироқ амалда бошқа. Демак, билишни амалда тадбиқ қилиш ҳам керак экан. Ижодкорла-

римиз кўпчилик ҳолларда шеъриятдаги сеҳрни унутиб қўяди ёки асарларига сингдириб юборишга маҳорат етишмайди. Гоҳи «қуш сайраши керак бўлгани учун сайраганидек» қаламкаш ёзиш учун ёзаётганга ўхшайди. Зукко шеърхонни хаёлидан ўтказмаслик уларнинг олдида сиртдан бўлса-да, ҳисобот бермаслик шунга олиб келади. Шунинг учун ҳам ўқиб бўлмайдиган бадиий қашшоқ, рангсиз асарлар кўпайиб боряпти. Бугунги шеъриятимизнинг географик майдони кенг. Шеъриятга ҳавасмандларнинг сафи кундан-кунга ортяпти. Бу хил кўтаринкилик одамларимизнинг турмуш тарзини ифодалайдиган факт. Чунки республикамиз совет оиласида бир жону бир тан бўлиб кундан-кунга чиройи очяптики, ҳар ким ҳам Ватан деб, халқ деб умуман улуғ идеалларимиз хусусида шоирона қилиб гапиргиси келади, туйғуларини шеърга солишга ўзида рағбат сезади. Бу фаровон турмушдан келиб чиқадиган табиий бир ҳодиса. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам халқ оммасининг жиғига тегадиган файзсиз шеърларни кўпайтирмаслик керак. Ёзилаётган кўпчилик поэтик асарларда бугунги турмушимизнинг тимсоли бўлган етук лирик қаҳрамонлар деярли учрамайди. Поэтик образ кўпинча тавсифий планда яратилган бўлиб, китобхонда фикр уйғотмайди, ўзига жалб этмайди, яъни шеъриятнинг сеҳрли қудрати бўлмайди. Китобхоннинг ҳамиша диққатини тортиб, уни шеър оқимига солиш учун шеъриятнинг сеҳрли тилида сўзлаш лозим.

Сеҳр нима?

Биз шеъриятнинг сеҳри хусусида гапираётиб даставвал унинг нима эканлигини билишимиз лозим. Улуғ танқидчи В. Г. Белинскийнинг шундай гапи бор: «Талант нақадар катта бўлмасин, у ўз асарига шахсан ўзига хос хусусиятлар тамғасини боса олмайди. Унинг ўзгалардаги идеяларни ўзлаштириб олиш қобилияти нечоғлик катта бўлмасин, у илҳоми вужудининг ич-ичидан будоқдек қайнаб чиқмасдан, балки «асир бўлган фикрнинг бетоқат бўлиши»гина эканлигини узоқ вақт бекита олмайди. Аксинча, талантнинг доираси нақадар тор ва чекланган бўлмасин, бироқ агар унинг асарларида нодир шахснинг яққол белгиси кўриниб турса ва бу белги унинг асарларини тақлид қилиб бўлмайдиган даражада янги асарларга айлантирса, бу талант эмас, энди балки гениядир»[1]. Сеҳр маълум жиҳатлари билан шахснинг яққол белгисини, унинг ўзига хослигини билдирадиган хусусиятга яқин дейишимизга В. Г. Белинскийнинг ушбу фикри ҳам далил бўла олади. Улуғ мунаққид таъкидлаганидек «талант»лар бугунги кунда ниҳоятда кўп. Уларнинг асарларидан сеҳр ахтариш тунда чироқсиз нина ахтаришдек гап. Чунки уларнинг қанчаларида ҳаётдаги рўй бераётган янгиликларни илғаб олиш идроки маромига етмаганга ўхшайди. Улар баъзан бировлар топган фикрга қул бўлиб яшайдилар. Ўзиникиг қилиб шу фикрни шарҳлайди-

1. В. Г. Белинский. Танланган асарлар, Ўздавнашр., 1955, 365-бет.

лар. Кўрибсизки, китобхонни қизиқтирадиган фикрлар бу хил асарларда шарҳ этилгандан кўра жиддий ва файзли қилиб илгарироқ айтилган бўлади. Бу хил қаламкашлар ниҳоятда тажрибали шахслар. Бирон фикр келиб қолса яшин тезлигида шеърга соладилар. Бу фикр ўзининг ҳаёт ҳақидаги ўйлари, кузатишларининг маҳсули бўлмасдан қайсидир шеърий асарлардан қолган оқова фикрлар бўлиб унга шеър ёзиш учун имкон туғдиради. Мана, Анвар Ҳожининг бир саккизлиги:

Дунёга бир марта келар одамзод,
Бир бора ҳаётдан юмилар кўзи.

Бу мисраларни ўқиган китобхон, албатта бир нарса кутади. Сатрларнинг замирида шоирнинг бирон нарсага ишора қилаётган жиддий фикр борга ўхшаган ваъдаси ҳам сезилади. Бироқ кейинги:

Бу янгиликмасдир бизларга мерос,
Элимнинг чиниққан, қадимги сўзи,

мисраларига ўтганда шеърхоннинг умиди саробал бўлмасин дарз кетгандек бўлади. Энди буёғини шеърхон ниҳоятда суст ўқийди, яъни шунчаки кўз югуртириб қўяди.

Агар сен юксакка ташлабсан одим,
Мақсадга интилу ўрган йўл-йўриқ
Дадиллик отида интил эй одам
Ўлимдан қўрқмагил, тойишдан сен қўрқ!

Бу саккиз мисрада авторнинг ўзини кўр-

сатадиган унга хос бўлган бирорта сатр йўқ. Илк мисралардаги ваъда ваъдалигича қолиб, шоир ўқувчига насиҳатга ўтади. Бир ёш шоир устоз мунаққидлардан бирига шеърларини келтирганининг гувоҳи бўлгандим. Домла шу заҳоти шеърларни варақлай бошлади. Анчасини кўриб чиқди ва бир шеърини баланд овоз билан ўқиди. Бу шеър ёш қаламкашнинг насиҳатларидан иборат эди. Мунаққид ҳазиллашиб «ёшингиз энди йигирмаларда-ю, гап оҳангингиз чолларникига ўхшайди» деганди. Ҳақиқатан шоирдаги қуруқ ўгит бу туйғуларнинг, ҳисларнинг кексайганлигидан, сўниклигидан дарак. Шеърият ҳамиша юксак эҳтиросларни, шавқ-завқни, ғалаёнли туйғуларни севади. Булар шеърий мисраларнинг ҳар бир сўзига, белгисига сингдирилсагина сеҳрлилик вужудга келади.

Матбуотимизда эътиборли бирор мунаққид янги бир асарнинг муҳим томонларини мақтаб ўтгудек бўлса, албатта ҳафта ўтмасдан шунга ўхшаш ўнлаб «асар»лар пайдо бўлади. Ўша ижобий баҳоланган асардаги фикр бошқа шеърлардаги хом-хатала фикрлар билан қўшилиб шеърхоннинг ғашига тегадиган даражага бориб етади. 60-йиллар охирларида Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеъри эълон қилингандан кейин Ватан мавзусида шундай асарлар битилдики, бунинг саноғига етиб бўлмайди. Мана, ўн йил ўтибдики китобхонлар шу икки асарни биладилар. Шеърдаги сеҳрлилик умумхалқ руҳидаги тебранишларни олдиндан кўра билиш, ҳаёт тараққиётини тўғри идрок этиб ундан

жамиятга, одамларга фойдали фикрларни дадил айта билишдан иборат. Фақат бугина эмас, албатта. Сеҳрлилик буларни умумлаштириб шеърият тили билан бийрон сўзлашга қодир бўлган маҳорат демакдир. Чунки ўша йилларда мамлакатимиз бўйлаб жуда катта кўтарилиш бўлди. Шу жумладан республикамиз ҳаётида ҳам тарих билмаган юксалишлар рўй бермоқда эди. Бу ўз-ўзидан маълумки, адабиётга бевосита таъсир этади. Адабиётимизда ҳам янги-янги истеъдодлар бўй кўрсата бошлади. Мунаққидларимиз таъкидлаб кўрсатганларидек адабиётни 30-йиллар халқимизга ўзлигини танитиш каби тенденция бўлган бўлса, 60-йилларга келиб социалистик жамиятда гуллаб яшнаётган республикамизнинг камолини жаҳонга танитиш тенденцияси бўлган эди. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповга ўхшаган истеъдод соҳиблари ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган руҳни санъаткор сифатида илк бор илғаб олдилар ва асарларида акс эттирдилар. Шунинг учун ҳам буларнинг асарлари Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун каби устозларнинг Ватанга бағишланган асарларидан фарқ қилади. Буларнинг ҳар бири ҳам ўз даврининг маҳсули сифатида ҳеч қачон қийматини йўқотмайди. Шеърхон билан ҳамиша ҳамфикр, ҳамдўст бўла берадилар.

Сеҳр — дарднинг фарзанди

Ижодкорни ҳам турмушдаги ижир-чижирлар безовта қилади. У ҳам воқеа-ҳодисалар, турли ҳолатларнинг сабабларини ахтаради. Бу сабабларни билгандай ҳам бўлади. Лекин булар асарга материал бўла бермайди. Ҳаётдаги сал иссиқ, сал салқин шабада ҳам ижодкор қалбига тегмай ўтмайди. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб бир кун айтмаса бўлмайдиган дардга айланади. Бу хил хусусият публицистга ҳам, шоирга ҳам, ёзувчи ва мунаққидларга ҳам хосдир. Шоир «Мен эса айтмасам кашфимни, ёрилиб кетишдан кўрқаман» деганидек, туғилган фикр пишиб етилмаса у санъат асари бўла олмайди.

Кичкинасан, ҳукмингда аммо
Она юртинг—зангори самo.
Йўлларингда йўқдир ғов, тўсиқ,
Яйрагайсан куйлаб шўх қўшиқ.
Зериктирса беҳудуд осмон,
Қумсагайсан ерни бегумон.
Кўринади кўзингга шу чоғ
Кичик уянг осмондан кенгроқ[1].

Бу Рауф Толиповнинг «Қушча» номли шеъридан. Бунда шоир ҳамма нарсадан уйнинг афзал деган фикрни билдирмоқчи. Муаллиф янгилик тариқасида нимани шеърхонга тақдим этмоқчи? Тўғри, уй ҳақида, уйнинг инсон учун қимматли нарса эканлигини у шу қушча образи орқали таъкидламоқчи. Шунинг ўзигина бу фикрни шеър қилишга етарликан? Аввало бу фикрнинг оригиналлиги хусусида ҳам ўйлаш керакка ўхшайди. Қуйидаги Абдулла Ориповнинг «Чексизлик» шеърига бир назар ташлайлик:

---

[1] Ёшлик баёзи. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил, 154-бет.

Дейдилар фазонинг чегараси йўқ
Миллиард юлдузларнинг сўнги ҳам фазо.
У шу қадар чексиз, шу қадар буюк
Хаёлга сиғдириб бўлмайди ҳатто.

Баъзан фазоларга боқаман узоқ
Руҳимга шу туйғу сигмас гупириб.
Чексизлик юракни қисганда шу чоқ
Торгина уйимга кетаман кириб[1].

Бу шеърда ҳам олам торлик қилган инсонга торгина уйнинг азиз туюлиши ҳақида фикр юритилади. Бу шеърларнинг бир-биридан фарқи шуки, «Чексизлик»да фикр лирик қаҳрамон ўйлари орқали ифодаланса, аввалгисида қушча образи орқали баён этилади. Биринчи шеърдаги қушча ҳақидаги гаплар анча ғариб, одми. Майли қушча эркин, хуррам яшайди, унинг бир лаҳзалик ҳолати шеърга асос қилинган дейлик. Бундай бўлган тақдирда ҳам шоирнинг хулосасини бир ўйлаб кўришга тўғри келади. Ҳамма гап шоирнинг шеър дардини чекмаганлигида. Чунки бу фикр шоирнинг ўзининг қалбида тугилган эмас. Қаёқдандир хаёлига келиб қолган фикрга маҳлиё бўлиб қолишдан тугилган. Тажрибали шоир ҳар қандай фикрдан мумтоз қофияли, ташқи поэтик безакларга эга бўлган шеърларни ясай олади. Бундай шеърларни ўқисангиз, сизда ҳатто илк бор яхши тасаввур ҳам қолади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз ҳисларингиз алданганини сезасиз. Шу билан сизнинг ҳам

1. Онажон, Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969, 25-бет.

шеърдан ихлосингиз қайта боради. Чунки шеърнятдаги сеҳр шоир дардининг фарзанди. Бу дард фақат шоиргагина тегишли эмас. Бу халқ дарди, инсоният дарди, ташвиши. Бу дардни шоир ўзининг ўткир ижодкорлик ҳисси билан англаб бизга ифодалаб беради.

Бадиий асарнинг шакли ва мазмуни хусусида Иззат Султонов шундай дейди: «Шаклнинг маълум даражада эскилиги, адабиёт тараққиётининг маълум босқичларида, асарнинг оригиналлигини йўққа чиқармайди. Аммо мазмуннинг эскилигини ҳеч қандай шаклий янгилик бекитиб кета олмайди». Афсуски, бу асарнинг на мазмунда, на шаклида шоирнинг изланиши сезилади. Бу хил камчилик айниқса ёшлар ижодида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Чунки, ёшлардаги изланишнинг миқёси кенг. Улар истеъдодли таржимонларимизнинг шарафли меҳнати орқали Данте, Гёте, Шекспир, Байрон, Пушкин каби қатор даҳоларнинг шеърияти билан суҳбатлашишга мушарраф бўлганлар ва бўлмоқдалар. Ёшларнинг улардаги юксак гуманистик мотивларни ўзбек поэзиясига олиб кириши бир жиҳатдан бу яхши. Аммо яхши фикрларга асир бўлиб қолиш оқлаб бўлмайдиган ҳодисадир. Бугунги эълон қилинаётган шеърларга, ҳатто бошқа кишн имзосини қўйиб юборса ҳам автор ҳеч нима билан исбот қила олмайди. Чунки, ёзган асарида муаллифнинг ўзлиги, ҳаётга қараши нуқтаи назари йўқ. Мана, кўп вақтлардан бери матбуот саҳифаларида шеърлари билан кўриниб келаётган, ўзининг ҳажвий қўшиқлари билан тингловчилар оғзига тушган Му-

Инв. 387677
Обл. библиотека

роджон Раҳмоновнинг «Сукунат — ҳаёт...» номли шеъридан парча:

Гоҳ сукутда яшайди одам,
Уйларида — туганмас иши.
Хаёлида дунё ташвиши
Гоҳ сукутда яшайди одам...
Сукунат бу сеҳрли олам...
Улгаяди унда муҳаббат
Яширидир нафрат ё шафқат,
Сукунат, бу сеҳрли олам...

Бу шеър йигирма тўрт мисрадан иборат. Мисралар шу шаклда, бир йўсинда такрорланиб келади. Биз муаллифнинг фикрига қўшилиб, сукунатни ҳаёт ҳам деяйлик. Ҳаётдаги бор бўлган ҳамма нарсаларни сукунатга боглаб қофияга солиб айтган билан шеър пайдо бўлмайди-ку, ахир. Шеър шоир номини ҳамма нарсадан юксак кўтарадиган эзгу хилқат. Шеър кези келганда қасоскор! У билан ўйлаб муносабатда бўлган яхшироқ. Назмга қўл уриб мухлислар муҳаббатига эмас, нафратига дучор бўлиш ҳам мумкин.

А. С. Пушкининг «Лўлилар» поэмасининг хотимасида шундай сатрлар бор:

Шеъриятнинг қудратли сеҳри,
Билан мубҳам ёдим нурланар
Утган кунлар шавқи ва заҳри
Унда қайта бир-бир жонланар.

Улуғ шоирнинг таърифидек шеъриятнинг қудрати у сизнинг мудроқ хотираларингизни уйготади, ўтган кунларингиздаги қувноқ ва

ғамгин кечган дамларингизни хаёлингизда қайта тиклайди. У шу билан руҳингизга таъсир этиб, ҳаётга чуқурроқ, дадилроқ қарашга ундайди.

Сеҳрнинг қудрати нимада?

Инсон табиатан ҳар нарсага қизиқувчан бўлади. Кўрган ҳар бир нарсасига яхши-ю, ёмон фикрини, ё батамом ёки зоҳиран билдириб ўтаберади. Унинг юрагида маълум бир из қолади. Бу кўпчилик одамларга хос бўлган хусусият. Яхши шеър инсон юрагида қолган шу изни қайта очади. Из ташлаган ҳодисанинг моҳияти хусусида кишини ўйга толдиради. Шеър ўқиганда киши ўзи билмаган ёки эътибор бермаган шу ҳодисанинг сабабларини чуқурроқ англай боради. Шу билан шеър унга ҳамроҳ бўлиб қолади. Абдулла Шернинг «Манзарали дарахтлар» номли шеъри бизда худди шундай тасаввур уйғотди. Шеърдаги сеҳрли қувват шундаки, муаллиф шаҳар ҳаётини дарахтлар тимсолида ниҳоятда чиройли ифодалайди. Шеър китобхонни фикрлашга, турмушнинг бешафқат ҳақиқати хусусида ўйлашга ундайди. Шаҳарда ҳамма нарса бор, ҳамма нарса муҳайё. Бироқ дарахтлар «яшил тиллари» билан буюк армонини шамолга куйлайдилар. Нима учун шундай? Одатда шаҳарда яшовчилар қишлоқни орзу қилади, қишлоқдагилар эса шаҳарни. Бунинг ҳеч қандай ҳайратланарли жойи йўқ. Лекин бугунги кунда ҳайратланмасдан, ажабланмасдан ҳам илож йўқ. Чунки шаҳарда истиқомат қилган баъзи кишилар худди шоир тасвиридаги дарахтлардек.

Улар сипо, ўзига оро берган. Балки пардозандозлар ҳам қайсидир даражада керакдир. Аммо улар билиниб турмаслиги, табиий чиройга раҳна солмаслиги керак эмасми?

Фан-техника тараққиёти бугунги кунда ҳаётнинг барча жабҳаларида кечиктириб бўлмайдиган масалаларни келтириб чиқаряпти... Инсон — табиат фарзанди. Унинг шодлиги ҳам, ғами ҳам шу табиат билан боғлиқ. Шоирнинг куюниб гапиришининг боиси ҳам шунда. Сезгирлилик шундай куюнишнинг, дарднинг фарзанди. «Фарзанд»ни соғлом, хизматга лаёқатли қилиб камолотга етказиш бу шоирнинг заҳмати орқали юзага чиқади. Поэтик мушоҳада шоирнинг ёши билан белгиланмайди, ундаги қобилият билан белгиланади. Бугунги кунда эълон қилинган илк шеърлари билан кўпчиликнинг диққатини тортган ёшлар ҳам кам эмас. Абдулҳамид Муҳаммадиевнинг шеърларида мургак туйғуларнинг ўтли нафаси, поэтик мушоҳадасининг кенглиги кўзга ташланади. Унинг «Фахрия» шеъридан шундай мисраларни ўқиймиз:

Бир бора босилганча босилмас қайта излар
Сўқмоққа ёғмагунча алвон шафақ шуъласи.

Муаллиф бободеҳқонларимизнинг меҳнати хусусида фикр юритяпти. Лекин шоир ўзига хос поэтик мушоҳадалар билан ёндошади. Шоирдаги поэтик ҳис этиш шундаки, у айтмоқчи бўлган фикрни конкрет қилиб предметлаштиради, ўзлигини намоён қила олади. Баъзида матбуотда тапилиб қолган шоирларда шундай ўзига хослик етишмайди.

Умумий тавсифийликдан нарига ўта олмайди. Ёдгор Обидовнинг «Россия» шеърига назар ташланг:

Осмондек кенг багрида қайта яйраб кезмадим,
Енисей кўпригида қўлларимнинг изи бор.
Саянда ҳам Уралда ўзни сайёҳ сезмадим,
Москвалик дўстларим хат ёзар такрор-такрор.

Халқлар дўстлигини улуғлаш ҳар бир совет шоирининг гражданлик ва ижодкорлик бурчидир. Ҳаммага маълум гапларни қофияга солиб айтишдан нима ҳожат. Бу бурчни арзонлаштириш эмасмикин? Шу хил шеърларни ўқир экансиз устозларнинг бу мавзулардаги баъзи шеърлари, мисралари хаёлингда жонланади: «Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда, Навоий шарафи яшар муқаддас». Биз бу мисрани шархлаб унинг қимматини туширib ўтирмаймиз. Ҳар қандай шархдан баланд мисралар бу. Бироқ биз бу ўринда шуни айтмоқчимизки, Ҳамид Олимжон «Россия» шеърини куйиб-ёниб, қийналиб ёзган. Ёзганда ҳам юксак санъаткорлик билан ёзган! Душман билан юзмаюз уришиб, қонга қон олиб, жонга жон бериб турган бир паллада ёзилган, юксак интернационализм руҳи билан сугорилган бу асарнинг аҳамияти хусусида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ижодкор даврнинг зарурiятга айланиб бораётган масалаларини биринчи бўлиб илғай олиши, уни санъаткорона акс эттира билиши лозим. Москвалик дўстлар билан хат олишиб туришни шеърга солиб, китобхонга тақдим қилиш 70-йиллар шоири учун нисофдан эмас. Бугунги кунда

биз ўзимизни ягона улуғ бир оиланинг фарзанди сифатида кўкрак керсаг-у, яна «Саяйда ҳам Уралда ўзни сайёҳ сезмадим» деб шеър ёзсак. Иттифоқимизнинг турли бурчагига борсак ўзимизни сайёҳ сезишга ҳеч қандай ўрин йўқ. Биз совет граждани. Бу оддий ҳақиқатни шу тариқа шеърга солиш шартмиди?! Чинакам санъаткор учун ҳақиқатнинг каттаю кичиги, оддию мураккаби бўлмайди албатта... Уларнинг кўз олдида битта ҳақиқат бўлади. Бу ҳам бўлса шу ҳақиқат замиридан чиқадиган оригинал поэтик маъно. Ҳақиқий санъаткор шу поэтик маънони топади. Асосий ғоя сифатида талқин этади. Николай Тихонов мих ҳақида баллада ёзиб, шу оддийгина нарса воситасида революционерларнинг жасоратига мадҳия ўқийди. Абдулла Орипов Қаршига борганида бир қиз унга бир даста райҳон беради. Шу бир даста райҳон сабаб «Райҳон» номли шеър ёзади. Шу шеър орқали бутун Ўзбекистон пахтакорлари ҳаётини шеърхон кўз олдида жонлантириб, совет халқининг яратувчанлик қудратига тасаннолар айтади. Бу асарларни шеърхон ҳеч қачон унутмайди. Воқеликка ҳамма жонли нигоҳ билан қарашни ўрганади. Шундай Ватаннинг фарзандлари бўлишидан фахрланади. Россия ҳақида, улуғ рус халқининг фарзандлари ҳақида асар ёзиш ҳар бир ижодкорнинг сўнмас орзуси. Бундай орзуси бор қаламкаш устозлар тажрибасини ўзлаштирса, нур устига аъло нур бўларди.

Ҳа, айтганча шеър ёзиш тажрибаси билан маҳорат, истеъдод, талант сўзларини аралаштириб юрамиз. Бир қатор шоирларда тажриба бор. Агар улар шу тажрибага истеъдод деган ноёб «неъмат»дан бир оз қўшганларида яхши шеърлар юзага келиши мумкин эди. Шоир ҳамиша бир меъёрда асар ёза бермайди, албатта. Лекин чинакам шоирнинг бизга «жўн» бўлиб туюлган шеъри бошқа бир тажрибали қаламкашнинг энг мақтовли асаридан ҳам аъло бўлади. Тажрибали қаламкашлар одатда поэтик мушоҳада қилишга, ижодкорлик дардини чекишга ноқобил бўладилар. Тайёр фикрларга шеър қурадилар ва ўзларича «ёниб» сўзлайдилар. Бу ёнишлар саратонда қуриб қолган гиёҳларнинг ёнишидек «алангали» ва лекин ҳароратсиз бўлади. Бир зумгина шеърхон ҳиссини алдайди, гўё шоир айтганидек:

Нурда нима товланса,
Ҳой-ҳой этмангиз ҳавас,
Сомон ҳам ялтирайди,
Ялт этган тилла эмас![1]
(Н. Нарзуллаев)

Қуёш нурида ялтираган ҳамма нарса тилло бўлмаганидек, барча қофияланган сўзлар йиғиндиси ҳам шеър бўла бермайди. Шеърдаги сеҳр қудрати у мазмуннинг янгилиги билан боғлиқ ҳодисадир. Янги мазмунни эса оламни поэтик мушоҳада қиладиган истеъдодгина топа олади ва уни асарига жасорат билан олиб киради. Демак, сеҳр қудрати шоирликдан ҳам ташқари ижодкорнинг жасорати билан ҳам боғлиқдир. Чинакам

[1] Нигоҳлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 187-бет.

асарнинг бунёдга келишининг ўзи машаққатли меҳнат. Шу меҳнатнинг ўзи бир жасорат. Дадил фикрлар билан чиқишнинг ўзи жасорат устига яна бир жасорат. Бугунги кунда устозлар эстафетасини қўлларига олган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Омон Мухторов каби шоир ва шоираларимиз ана шундай ижодкорлардир.

Биз қаламга олган шоирларнинг ҳали кўпчилиги ёшлардир. Бу ёшларнинг илк ижодиёқ шеърхонда нурли таъаввур уйготади. Бу уларнинг маҳорат сирларини чуқур ўрганаётганликларидан дарак.

Шеър ҳайрат маҳсули

Шеъриятимиз йилдан-йилга, кундан-кунга ўсаяпти, камол топаяпти десак муболага бўлмаса керак. Давраларда ўтирсангиз ҳар бир киши юрагида ҳам у ёки бу даражада шеър туйғуси борлиги сезилиб туради. Давраларда шеърият ҳақида гурунг кетади. Газета саҳифалари шеърсиз бўлмайди. Китоб ва журналларни варақласангиз ҳам илк бор шеърий сатрлар диққатингизни тортади. Буларнинг ҳаммаси яхшилик аломати, ҳаётимизнинг фаровон эканлигининг белгиси.

Шеър ҳаяжон ва ҳайратдан туғилади. Айниқса, ҳаётнинг паст-баландини ҳали яхшироқ билмаган, бошдан кечирмаган ёшларда кўпроқ содир бўлади бу ҳол. Улар ўзига ҳаяжон берган, таъсир қилган парсаларни шеърга солгиси келади. Шеър тўқий бошлайди. Шеър — гўзалик, уни тўқиб бўлмайди, фақат яратиш лозим. Бу ўринда шуни

ҳам айтиб ўтиш жоизки ёшликдаги шеърий туйғулар, шеър тўқишга қилинган ҳатти-ҳаракатлар бетакрор, бегубор бўлади. Шу боисдан улар ўзи учун шеър тўқийди, ўзи учун қоғоз қоралайди. Бу ҳолатлар инсон табиатида ўткинчидир, албатта. Бироқ бундай кайфият баъзи одамларда бир умр қолиб кетади. Бу хил кишилар ўзларининг «тўлақи» кайфиятларига ижтимоий тус бериб шеъриятга кирадилар. Уларлдаги дастлабки ҳаяжон, ҳайрат деган туйғулар қолса майли эди. Улар кўпинча ёшликдаги ҳайрат ва ҳаяжонга тўла дамлар тажрибаси ва кейинги меҳнатлар туфайлигина шоирсифат бўлиб юрадилар. «Ёш гвардия» нашриётининг бундан қарийб ўн беш йил илгари чоп этган «Гул ва кўнгил» шеърий мажмуаси ўша ёш шоирнинг илк асарларидан намуна эди. Бу сериядан илк китоби ўрин олган ёшлардан бугунги кунда чинакам шоир бўлиб эл ҳурматига сазовор бўлганлари уч, тўртта.

Шеърга забон бахш этиш бу осон иш эмас. Уни бурро тил билан сўзлатиш учун шоирнинг ўзида шунга яраша заковат бўлиши керак. Чинакам истеъдод ўспиринликдан ажралиб йироқлашган сари ундаги ҳайрат болаликдаги ҳайратдан фарқ қила боради. Шеъриятнинг сирларини англаб, ижтимоий моҳиятини тўлароқ, мукаммалроқ ҳис этади. Ана шу ҳис этишнинг самараси бўлса керак. Азим Суюн шундай ёзади:

Бардошларим, кетманг юз тубан,
Бардам бўлинг, содиқ саботим.
Уч минг мисра шеъримни бу он
Ёқмоқ бўлди шонли журъатим.

Уч минг мисра... бу айтишга осон. Бироқ шоир бу уч минг мисра шеърни нима учун ёқиб юборганини ана шундай ифодалайди:

Улар менга қанчалар азиз,
О, қанчалар бўлмасин яқин.
Ўзга қалбда уйғотмас бир ҳис,
Ўзга қалбда чақнатмас чақин
...Чорак аср берганда нафас,
Англаб қолдим улар бир чақа...

Бу ерда гап шоирнинг уч минг мисра шеърини ёқиб юборганида эмас. Гап шоир эътиқодида. Шеъриятга шундай эътиқод қўйган кишигина унинг бағрида камол топади. Азим Суюнинг бу шеъри унинг шеъриятга бўлган садоқатидан дарак.

Шеъриятга эътиқодли шоирлардан бири Усмон Азимовдир. Азим уч минг мисра шеърини ўтга ёқиб «бешафқатлик олови сен, ён» дея хитоб қилса, Усмон «шеър ёзилар... қийноқ, сенга бўлсин шараф, жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...» дейди. Истеъдодли шоир Хуршид эса «Шеърият — бу қийин иш эмас ёзсанг агар юракни асраб», деб уқтиради. Кўраяпсизки, бу ёшларнинг фикри ўз-ўзидан бир-бирига яқин келяпти. Фикран яқинлик ижодий яқинлик эмас, албатта. Улар алоҳида-алоҳида ижод принципларига эга. Усмон шеърларида бармоқ билан сарбаст уйғунликда кўринади. Унда Усмон Носирона жўшқин руҳ бор... Унинг табиати сокинликни ёқтирмайди. Ҳатто у оддий сўзни ҳам ҳайқириб гапиргиси келади.

Сиқилиб кетасан...
Уйингнинг тўрт девори

Омбирнинг тишларидай даҳшатли боқар
совуқ боқар...
Совуқ.

Ҳозир жипслашади шифт билан гилам,
Кўкрагингга сиғмай талпинаётган юрагинг
Пажмурда гавдангдан отилиб чиқади-да,
Ерга йиқилади қонга беланиб.
Агар сен ҳозир...
Агар сен...
Уйингнинг эшиги ланг очилади:
— Салом, шовқин,
салом кўча.
Бағрингга олгин.

Шоир қалб нима демоқчилигини аён қилгани йўқ. Бироқ Усмондаги туғёнли ҳис шеърнинг илк сатридаёқ китобхонга нимадир муҳим гап айтмоқчилигидан дарак беради. Ўқувчи шеърни лоқайд ўқий олмайди. Муаллифдаги ҳаяжон, ҳайрат шеърхонни ҳам қуршайди.

Хуршид Даврон шеърларидаги хусусият маълум маънода Усмонга яқин туради. Бироқ унинг шеърлари бўёқдорроқ, фикрларини тасвирда беришга интилиш бор. Шу боисдан Хуршид шеърлари кучлик туғёнли бўлмаса ҳам унда шеъриятнинг сеҳрли тили мавжуд. Бу тил муаллиф асарларини юксакка кўтаради. Китобхонлар қалбига калит бўла олади.

Биз қайд қилаётган учала ёш ижодкор ҳам маълум маънода новатор шоирдир. Азим шеърларида соддадил, жасур, ажойиб кишиларимизнинг образларини туйсак, Усмон

асарларида Сурхон даштларига хос бўлган кенгликни, дилидаги тилида бўлган покдамон одамларни ҳис этамиз. Хуршидда эса қалби ватан туйғуси билан тўла куйинчак инсонлар хаёлимизда тикланади. Булар шеъриятимизга ана шундай тароватли бўлган янги ифорли руҳ олиб кираяптилар.

Кейинги йилларда шеъриятимизга жуда кўп ёшлар кириб келди. Бу ёшларнинг кўпчилиги биринчи тўпламларини «Олтин беланчак» сериясида эълон қилди. Чунончи, Ёқубжон Аҳмаджонов, Сабриддин Садриддинов, Ўрмон Омонов, Муроджон Раҳмонов, Минҳожиддин Ҳайдар, Болта Ёриев каби қатор қаламкашларни эслаш мумкин. Аслида бу қаламкашлар ҳам шеъриятга меҳр қўйган ёшлар. Бироқ булар ёзаётган шеърлар биз юқорида тилга олган шоирлардан фарқ қилади. Фарқ шундаки, уларнинг шеърларида шоирона тил, сеҳрий қувват йўқ. Улар бирор фикрнинг баёнинигина берадилар, холос. Мисралар, ҳатто сўзлар маъно ташиши лозим бўлган ўринларда ҳам бундай сўзлар сўзлигича, мисралар мисралигича қолиб кета беради. Истеъдодли мунаққидимиз Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, бундай сўз ва мисралар кўзларга сурур бахш этмайдиган япроқсиз қуруқ новдаларга ўхшаб қолади. Чунончи, Минҳожиддин Ҳайдарнинг шеърий мажмуасини варақласангиз худди шундай фикрга келасиз. Муаллиф қатор шеърий машқларида бирон бир фикр айтмоқчи бўлиб ҳаракат қилади. Ҳайрат билан ёзгандек, кўринади. Бироқ, шеърхон шеърдан эмас шу мисраларни тўқувчидан ҳайратланади. Муаллифнинг «Ҳаёт» номли шеъри

бор. Шеърда аёлнинг фарзанд туғиш жараёнини тасвирлаб «Ҳаёт ширин» деган хулосага келади.

Агар биз бу шеърга асар сифатида қарайдиган бўлсак, сийқа фикрдан ташқари тумтароқ жумлалар ҳам йўқ эмаслигини кўрамиз:

Гўдак чинқирди...
«Янги меҳмон» овози...
Бу—«Мен, Ҳаётга келдим» деб бонг урмоқлик
На онанинг,
ёришди туннинг ҳам кўзи.
Тонгнинг қўлида оппоқ нурдан йўргаклик,
«Гўдакнинг йиғисидай,
ёмғир — бир пасли».
Ғунча тухумидек муштин тугиб олибди.

Шеърда шартлилик бадиий асарнинг бошқа жанрларига нисбатан устун туради. Бироқ, шоир ташбеҳларини шартлилик мезонига солиб бўлармикан. Ғунчанинг тухуми оддий ўқувчига маълум нарса эмас. «На» олд қўшимчаси одатда инкор маъносида келади. Шоир бу ўринда ҳам айтмоқчи бўлган фикрини чалкаштириб юборади. Минҳожиддин «На фақат онанинг, ҳатто ёришди туннинг ҳам кўзи» дея фикрга урғу бериб, фикр оқимини кучайтирмоқчи бўлган. Бироқ «на» ўрнига тушмай қолган.

Номларини зикр қилган қаламкашлар ижодида гарчи пойма-пой мисралар, сўзлар бўлмаса ҳам юқорида таъкидлаб ўтганимиздек шеър тўқиш қобилияти кучли. Уларнинг яратган асарларида ғализ сўз, жумла тополмаймиз. Бироқ, улар ойни ой, сойни сой шак-

лида тушуниб шеър бптадилар. Уларнинг ижодидаги қусур ҳам шунда. Шеърият ҳақида севикли адибимиз шундай ёзганди:

Сени танидимму
олам сирга тўлди,
Япроқни китобдай ўқий бошладим,
Қалбимда булбуллар сайрайдиган бўлди.
Ойга қараб туриб кўзим ёшладим...

Устоз шонрнинг бу мисралари ҳар қандай ёш шоир учун нақадар сабоқ. Шеърият шоир таъкидлаганидек табиатда кўринган нарсаларнинг қофияга солинган жўн сўзлар йиғиндиси эмас. Табиат нимаики яратибди шоир тафаккури улардан ўзига хос поэтик маъно излайди. Улар шоирга ўз розини айтади. Шоир билан сирлашади. Асқад Мухтор «япроқни китобдай ўқий бошладим, қалбимда булбуллар сайрайдиган бўлди», дея бежиз айтмаган. Буларнинг ҳаммаси поэтик тафаккурнинг асосий хусусиятлари. Ижодкорнинг чинакам ижодкорлик аломати.

Ёшликдаги ҳис-ҳаяжон, ҳамма нарсани шеърий шаклда кўришга интилиш—бу инсонда ўткинчи ҳодиса. Ёшликнинг романтик туйғулари билан инсон алданиб қолмаслиги лозим.

Бизнинг назаримизда баъзи бир қаламкашлар—шеър ихлосмандлари ёшлик романтикаси билан юрганга ўхшайди. Тўғри, улар қобилиятли ёшлар. Хоҳлаган нарсасини тез ўзлаштириб олиши мумкин. Ўзлаштириш қобилияти шеър яратиш, ёки бирор янги бир нарсани ижод қилиш эмас. Бу хилдаги ёшлар шеър машқига қилган машаққатли

меҳнатини, унга кетган вақтини, жамиятга, халққа фойдаси тегадиган бошқа бир ишларга сарф қилганда эди, бундай эълон қилган ўнта, ўн бешта шеърий мажмуадан кўра эътиборлироқ хизмат кўрсатган бўлармиди.

Адабий анжуманларда юксак чўққиларнинг юксаклигини кўрсатадиган пастроқ қоялар, тепалар ҳам бўлади, дея кўп гапирилади. Бу тўғри гап. Бироқ республикамизнинг турли бурчакларига маълум бир хизмат юзасидан бориб қолганда шеърият ҳақида, умуман адабиётимиз ҳақида турфа хил саволлар ёғдиришади. Баъзи ҳолларда аччиқ, лекин тўғри гапларни юзга солишади. Ана шундай ҳолларда асар ёзган киши эмас, бошқа кишилар жавоб тополмай хижолат чекади. Шунда Партиямизнинг XXV съезди қўйган сифат масаласининг нақадар муҳим эканлигини бутун вужудимиз билан ҳис этамиз. Шундай пайтда шоирларимизнинг ижоди хусусида чуқурроқ ўйлашга мажбур этади.

Поэзиядаги асосий камчилик баён ва баёнчиликка бориб тақалади. Шеъриятни тирик организмдан ўлик организмга айлантирадиган нарса баён ва баёнчилик, шеърдан шеър ясаш касаллигидир. Аслида баёнчилик шеърдан шеър ясашдан туғилади.

Баён ва баёнчилик

Баъзан биз бадиий асар ўқиганимизда адибни баёнчиликда айблаймиз. Ундан ранжиймиз. Бадиий асарни ўқишсиз қиладиган, китобхоннинг дидини сусайтирадиган унсур сифатида қоралаймиз. Шу билан муаллифга

ёсонгина айб юклаймиз. Аслида баёнсиз бадиий асар бўладими?

Хўш, санъат асарида баённинг роли нимада?

Улкан сўз усталарининг ижодида баён уларнинг маҳорати туфайли кўзга ташланавермайди. Бутун роман ёки достоннинг барча қисмлари бадиият билан йўғрилгандек туюлади. Китобхон асар воқеалари оқимида ўзи бордек ҳис этиб ўқувчи эканлигини унутиш даражасигача туйғулар оламига кириб кетади. Бу хилда китобхонни ром этиш ижодкорнинг санъаткорлигига боғлиқ, албатта. Баён бадиий асарнинг ҳамма жанрларида мавжуд. Ҳатто, рубоийдаги биринчи, иккинчи мисраларни маълум бир маънода баён деб аташ мумкин. Шоирнинг санъаткорлиги билан бу ҳол кўзга ташланмайди. Бироқ моҳиятан баёндир. Чунки, ҳар қандай асарнинг бошланиши, юқори нуқтаси (кульминация), якуни мавжуд. Рубоийнинг ҳам биринчи, иккинчи мисраси шоир айтмоқчи бўлган фикрга дебоча ва унинг баёни, қолган икки мисраси айтмоқчи бўлган фикрининг фалсафий интиҳоси. Шеъриятдаги кичик жанрларда фикр лўнда ва оригинал ифодасини топса, ундан чиқадиган фалсафий маъно теран ва таъсирчан бўлади. Шунинг учун ҳам бадииятга хизмат қиладиган баён билан қуруқ баёнчилик доимо ҳам ижодкорни, ҳам ўқувчини алдаб юради. Бу ўринда баён билан баёнчиликнинг фарқи нимада деган ҳақли савол туғилади. Баёнчилик бу адабий лақмаликдан бошқа нарса эмас. Одатда бўлар-бўлмас, сўзлаган сўзининг мантиғига боравермасдан кўп гапираверадиган одамлар

лақма, эзма, дейилади. Бу хил типларга бундай сифатлар ҳам камлик қилади. Адабий лақмалик тамом бошқа нарса, айни пайтда шунга ўхшаш ҳам. Одамларнинг лақмалиги фақат ўзларига зарар. Жамиятга унча зиёни йўқ. Адабий лақмалик ҳамма нарсага зарар келтиради. Аввало у адабиётга зиён беради. Адабиёт халқ мулки экан, демак, адабий лақмалик ҳам халққа, ҳам жамиятга зарар. Адабий лақмалик хусусида машҳур совет шоири Евгений Евтушенко шундай деган эди: «Лақмалик (гап адабий лақмалик ҳақида, таъкид бизники—М. А.) сукут сақлашдан баттар. У ижодкорни парвоздан пасайтиради, аслида айнитади ва бебурд қилади» («Лит. газ.», 1981 йил, 1 январь).

Бугунги кунда қўлга киритилган ўзбек совет адабиётининг ютуқлари бир жиҳатдан фахр ҳиссини уйғотса, иккинчи бир жиҳатдан шундай ютуқларни қўлга киритган адабиётдаги қусурлар ачинтирмай қўймайди.

Ҳозир газета ва журналлар, альманах ва китобларда эълон қилинаётган асарларнинг муаллифлари таржимаи ҳоли билан танишсангиз деярли барчаси ҳам олий маълумотга эга кишилар эканлигини кўрасиз. Бадиий асар сирларидан бохабар деган фикрга келасиз. Бироқ эълон қилинган асарларни кўздан кечирсангиз улар ҳақидаги ижобий фикрларингиз сўниб, салбий маъно касб эта бошлайди.

Ҳаёт тараққиёти қай даражада тез суръатлар билан ривожланса маданият ҳам шунга монанд ўсади, камол топади. Одамларнинг савияси, диди юксалади. Жамият маданиятининг юксалиши ижодкорлар зим-

масига яна ҳам оғирроқ, мураккаброқ масъулият юклайди ва кундалик ишлар-чикирлардан бош кўтариб, ҳаетнинг муҳим масалаларига, аср муаммоларига, замин тақдирига масъул ва теранроқ қарашга мажбур этади. Шундан бўлса керак «олий маълумотли» деган тушунча нисбий бўлиб қолди. Давр ижодкордан дунёвий билимни талаб этмоқда. Худди шу маънода бугунги яратилаётган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари уларнинг билимига, маданий савияси, дидига бориб тақалади. Бадиият сирларини қай даражада чуқур билган ижодкор у ўзининг билими, савиясига монанд асар яратади. Улуғ америка ёзувчиси Эрнст Хемингуэйнинг қуйидаги фикрини эслаш фойдадан холи эмас: «Чинакам ижодкор, улуғ санъаткор... мазкур соҳада ундан олдин ниманки кашф қилинган бўлса, нимагаки эришилган бўлса, барчасини ўзлаштиради ва ўзига керагини нокерагидан шундай тезлик билан ажратиб саралайдики, гўё у туғилишидаёқ барча билимлар билан қуролланиб, доно бўлиб туғилгандек кўринади, чунки оддий одам умр бўйи уриниб оладиган билимни ҳақиқий истеъдод гоҳо кўз очиб юмгунча эгаллайди, сўнгра улуғ санъаткор аввал эришган, кашф этилган марралардан олдинга кетади, ўзиникини, янгисини яратади. Лекин яна бошқа буюк санъаткор пайдо бўлгунча баъзан жуда кўп вақт ўтади, аввалги улуғ истеъдодни билганлар янгисини тезда тан олмайдилар... Улар янги истеъдодни тез тан олмасликлари узрли, чунки битта ҳақиқий талант пайдо бўлгунча шунча кўп қалбакилар келиб кетадики, одамлар алданишдан безиб, ҳаммасидан камчилик қидирадиган бўлиб қоладилар»[1].

Чинакам санъаткор воқеликни шу даражада пухта ва ихчам тасвирлайдики, бунга оддий китобхоннинг ақли бовар қилмайди. Китобхон ўзи истаган ҳамма нарсани шу улуғ санъаткор тасвирлаган ҳаёт воқелигида топади. Унга такрор-такрор мурожаат қилгиси келади. Абдулла Ориповнинг яратган асарлари худди шундай. Унга қайта-қайта мурожаат қилган билан меъдага тегмайди. У руҳингизда янгича туйғу, янгича ҳаяжон уйғота беради. Шоир асарларидаги бу хил хусусият аввало унинг санъаткорлиги билан белгиланади:

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

Абдулла Ориповнинг бу рубоийсининг биринчи, иккинчи мисрасидаги инсонга берилган сифат ҳаммага маълум. Инсоннинг улуғлигини, унинг ҳамма нарсага қодир зот эканлигини доимо қайд қиламиз. Шоир биз билган сифатлар билан инсоннинг тасвирини бераяпти. Бу баённинг бир кўриниши. Бу шеърни санъат асари қилиб турган нарса охирги мисрасидаги фалакнинг яратувчилигига шоирнинг аламли ҳайратидир. Биз билган, «инсон улуғ», «инсон қудратли», «ҳамма нарсадан аъло қилиб яратилган» каби

[1] Хемингуэй Э. Избранные произведения, в 2-х томах, т. II, М., 1959, стр. 186.

тушунчалар доирасидан чиқиб кетган. Шоир одамзоднинг тубанликда ҳам танҳо эканлигига ва энг олий яратувчисига поэтик муносабатини билдирадики, унинг юрагидан сирқираб чиққан аламли туйғулари китобхонни ўз дардига шерик қилади. Китобхон инсоннинг ўзи бир муаммо, уни тушунишнинг ўзи бир санъат эканлигини англайди. Инсоннинг худди шу хусусиятини назарда тутган яна бир тўртликни кўрайлик:

Инсон қудратига табиат асир,
Одамлар измида ҳаттоки қуёш.
Нечундир одамлар бир-бирига сир
Нечундир ҳар юрак излайди сирдош.
(Э. Неъматов)

Бу тўртликдаги биринчи ва иккинчи мисрада қўлланилган ташбеҳлар, инсонга берилган сифатлар таг замини билан нотўғридир. Тўғри, шеъриятда муболаға, литота каби усуллардан фойдаланиб муаллиф ўзининг айтмоқчи бўлган фикрларини бўрттириб ёки енгиллаштириб ифодлаш мумкин. Яъни, «кипригн кўксига соя солган қиз» (Усмон Носир) каби ташбеҳларни ҳеч ким нотабиий демайди. Поэзиянинг муболаға усулидан фойдаланганлигини билади. Ёки Отойининг «ғоянн нозиклигидан сув билан ютса бўлур» каби шунга ўхшаш ташбеҳлар, образли ифодалар ҳеч кимни ажаблантирмайди. Демак, Отойи ҳам, Усмон Носир ҳам поэзиянинг қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда муболаға ва литоталардан тўғри фойдаланган. Бироқ юқоридаги тўртликка поэзия қонуниятларидан ташқари давр нуқтаи назаридан қараган бўлсак, ҳам ўта примитивлигини кўрамиз. Чунки, бугунги кунда инсонни улуғлаш учун, қадрини ошириш учун бу хилдаги сифатларга ҳеч қандай зарурат йўқ. Эндиликда инсоннинг улуғлиги, яратувчилик қудратини қайд қилиб асар ёзилса китобхонни қаноатлантирмайди. Китобхон — инсон. Инсон бўлганда ҳам энг олий тафаккур эгаси. Модомики, шоир қўлига қаламни одамлар учун олар экан энг олий тафаккур эгаси — инсонни унутмаслиги керак.

Табиат ҳеч қачон инсонга асир бўлмаган. Инсон ҳар қандай куч-қудратга эга бўлмасин қуёшни измига сола олмайди. Шеърдаги инсонга берилган «табиатни асир қилган», «қуёшни измига солган» сингари сифатлашлар бугунги давр тушунчасини ҳисобга олмагандан. Шунинг учун ҳам китобхон бу хил ташбеҳларга ишонмайди. Шоир таъкидлаётган фикрнинг ёлғонлигини ўқувчи ҳис этиб, сезиб туради. Муаллифнинг тўқиган ёлғони шеърхонда фикр уйғотиш ўрнига кулги қўзғотади.

Асарга муқаддима ролини ўйнайдиган мисралардаги фикр тасвири қай даражада реал, ҳақиқат бўлса, шоирнинг ундан чиқарадиган хулосаси ҳам шу даражада ҳаёт мантиғига тўғри келади. Китобхон диққатини ўзига жалб этади. Қисқаси, асар ўқишли бўлади. Тўртликдаги охирги икки мисрада одамларнинг мураккаблиги хусусида шоирнинг «ҳайрати» берилади. Инсонни улуғловчи олдинги икки мисранинг таг замини ҳақиқатга зид бўлгач автор хулосасига хизмат қилмаган. Натижада баёндан баёнчилик вужудга

келган. Китобхон шоир ҳайратига қўшилиб ҳайратланмайди.

Санъат асарида баённинг ролини камситиб бўлмайди. Бироқ уни тўғри ва ўринли қўллаш ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Баъзан шундай асарлар бўлиши мумкинки, китобхон бир ўқиб чиқишда муаллифнинг топқирлигига «қойил» дейиши мумкин. Қуйидаги сатрларни ўқиб кўрайлик:

Биз қачон бўламиз ёнма-ён,
Айт гўзалим, айтгил, севгилим?
Мен — саҳройи ташна арғувон
Сен — нилуфар, о сен сув гули!
(С. Раҳмон).

Бир қарашда бу шеърда ҳамма нарса мавжуддек туюлади. Образли ифода, қофия, оҳанг жойида. Тажрибали қалам маҳсули эканлиги кўриниб турибди. Лирик қаҳрамон севгилисига қачон бирга бўлишини сўраб мурожаат қилар экан ўзини саҳродаги ташна арғувонга, севгилисини сувда ўсувчи нилуфарга қиёс қилади. Бу сифатлар шоир ифодаламоқчи бўлган поэтик маънони ифодалармикин? Йўқ. Санъат асарида бадиий тасвирнинг, образли ифоданинг ҳаётий замини бўлиши керак. Маълумки, қизларни гулга, нилуфарга, сарвга, йигитларни чинорга қиёс қилинади. Бу адабиётимизнинг минг йиллик анъанаси. Бунга эътироз бўлиши мумкин эмас. Бироқ ошиқни саҳродаги ташна арғувонга, маҳбубани сувдаги нилуфарга қиёс қилиб қачон бирга бўламиз, дея сўраши нотабиий.

Баёнчилик — бу фикрнинг яланғоч ифо-

дасигина эмас. Баёнчилик фикрсизлик, яъни мақсадсизлик ҳамдир.

Сулаймон Раҳмон бугунги кунда эътироф этилган шоир. Мунаққидларимиз унинг ижодига ҳамиша илиқ муносабатда бўладилар. Бу ҳол табиий, албатта. Сулаймон Раҳмоннинг ижоди, билими, маданий савияси бунга арзийди ҳам. Бироқ унинг кейинги йилларда эълон қилган шеърларида ижод қилишдан кўра шеър тўқишга мойиллик сезиляпти...

Бу ҳол битта Сулаймон Раҳмондагина эмас. Шоир сифатида шаклланиб қолган кўпчилик ёшларда ҳам кўзга ташланмоқда. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Бизнинг назаримизда партиямизнинг ёш ижодкорлар ҳақидаги машҳур қароридан кейин матбуот саҳифаларида, нашриётларда ёшларга кенгроқ ўрин берилди. Мунаққидларимиз улар ижодига нисбатан анча саховат билан ёндашдилар. Ҳатто айтиш мумкинки, баъзи бир ёшлар оғиздан тушмай қолди. Уларнинг биринчи тўпламлари анча пишиқ чиқган бўлса, иккинчи тўпламлари биринчисининг даражасига етмади. Бу хил ёшлар мақтовга анча-мунча ўрганишди. Натижада талантларига ишонч меъёридан ошди. Ишончсиз бирор иш қилиш қийин, албатта. Бироқ талант ўз газини билмаса ҳар қандай ишончнинг нафи йўқ. Ўзининг ижодкорлик бурчини унутади. Тажриба бор, шеър техникасини билади. Уларга шу бас! Шоирга ташқи ёрдамларнинг аҳамияти катта. Уларга рағбат ҳам керак. Бироқ суистеъмол қилмаслик лозим. Ижодкорда ички маданият етишмас экан, у яратган асарларда ҳам инсонга хос бўлган юксак

маданият етишмайди. Бадиий асарнинг объекти ҳаёт ва инсон. Модомики шундай экан, ёш ижодкорларимиз ўзларининг ички маданиятини тарбиялаши лозимки, шундагина улар яратган асарлар халққа манзур бўлади.

Таниқли авар шоири Расул Ҳамзатов бурч, масъулият хусусида шундай ёзади: «Менга Дағистон халқ шоири унвонини берганда сизларга маълум Абутолиб шундай деган эди: «Расул, табриклайман. Энди хаёлингга келганини ёзавер, сени ҳеч ким, ҳеч қачон танқид қилмайди».

Мен ўйлайманки, унвон автордан яна ҳам яхши ёзсин учун берилади. Ҳолбуки, унвон бурч олдида имтиёз эмас.

Ёзувчи ўз ижодини қадрлар экан, унвоннинг моҳиятини, масъулиятини англайди. Бироқ бизда кўплаб шундай бўляптики, унвон бу тушунчани йўқ қилиб, мақтовлардан иснод даражасига етяпти» («Лит. газ.» 1975 йил, 24 декабрь, № 82).

Расул Ҳамзатовнинг бу фикри умумиттифоқ адабиёти хусусида. Бироқ, бу аччиқ ҳақиқат бизнинг адабиётимизга, айниқса, ёшларга тегишлидир. Бизда шундай ёшлар борки, илк китоблари анча гап-сўз бўлмаса ҳам кейинги ижоди таҳсинга сазовор бўлиб бормоқда. Бу жиҳатдан Хуршид Давроннинг шеърлари эътиборга лойиқдир.

Биз юқорида Хуршиднинг: «Шеърият — бу қийин иш эмас, Ёсанг, агар юракни асраб» сингари сатрларини келтириб ўтган эдик. Шоирнинг бу фикри кашфиёт эмас, ҳамма биладиган гаплар. Аслида чин шоирлар асарларини шу хил абсолют ҳақиқатлар

билан бошласалар-да, сўнг ўзининг ҳаёт ҳақидаги концепциясини китобхонга ўтказади. Хуршид ҳам бу фикрларни жўн талқин қилмайди. Ҳар бир сатрда шоир қалбининг ҳарорати сезилиб туради:

Шеърият — бу қийин иш эмас,
Етар топсанг «қофия», «ёз», «соз».
Шеърда баъзан ҳаводек зарур
«Эрк» сўзига қофия «қасос».

Шеърнинг бу бандида ҳам биз кўпгина устоз шоирларнинг қофиябозларга бўлган муносабатини биламиз. Бу ҳам шоирнинг баёнига киради. Бироқ бу баён нурга йўғрилганки, уни биз унча сезавермаймиз. Шоир учинчи, тўртинчи мисрада муддаога ўтади. «Эрк» сўзига қофия қилиб «қасос» сўзининг зарурлигини уқтиради. Бу хил фикр юритиш ўзига хос пародокс.

Шеърият ўз номи билан шеърият. У гўзаллик ҳимоячиси ва гўзаллик тарбиячиси. Шунинг учун у хунуклик билан келиша олмайди. Доимо курашда!

Сен қўрқувни қанчалик яшир,
Шеър қилади барибир ошкор.
Қўрқоқ бўлсанг қўрқоқ бўлар шеър
Мардман, деб жар солмоғинг бекор.

Ҳа, шеърият шундай кўзгуки, у ўз яратувчисининг кимлигини аниқ акс эттиради. Шунинг учун ҳам шоир туйғулари қай даражада самимий, пок бўлса яратилган шеърнинг қиммати янада ортади. Гўзаллик тарбиясига хизмат қилади:

Заҳар ичиб ўлган актёрдек
Пардадан сўнг тирилмоқ бекор.
Шоир шеърият олдида тирик,
Шеър сўнггида ўлмоғи даркор.

Бу хил оташин туйғулар шоир қалбига бирдан келмаган. Хуршид шеърият ҳақида куюниб гапирар экан, унинг туйғулари курашчанлик пафоси билан йўғрилиб кетади. У қўллаган ташбеҳлар замирида поэзияга тегишли ҳаётий мазмун ётади. Адабиётимизда шоир-сифат, ёзувчи-сифат қалам эгалари кўпайиб кетди. Таъбир жоиз бўлса, улар сунъий бир равишда шоир ва ёзувчи роллларини бажариб юрадилар. Шоирнинг ёниб-куйиб гапирган бу гаплари ана шундай қаламкашларга қаратилгандир. Мана шеърнинг якуни:

Шеър туймоқдир ногаҳон дилдан,
Сен қўлингга олганда нонни,
Буғдой дони ердан симирган
Эрк деб жангда тўкилган қонни.

Бу банд таҳлилидан олдин Раҳмат Худойбердиев билан Мамадали Маҳмудовларнинг «Буюк қалб» очеркидаги қуйидаги парчани келтирсак фойдадан холи эмас:

«— Масалан, мен нон деганда, биринчи навбатда нонинг ўзини эмас, бир замонлар у ёввойи буғдой бўлганини, кейин хонакилаштирилганини, деҳқон омоч билан ер ҳайдаганини, буғдойни экканини, у униб чиққач, парвариш қилганини, от, ҳўкизлар билан тозалаганини, тегирмонда унга айлантирганини, аёл ундан хамир қилганини, тандирни қиздирганини, ёпганини, ниҳоят нон ярал-

ганини тушунаман. Мен нонни инсониятнинг энг буюк кашфиёти деб биламан. Нон деганда деҳқоннинг пешона терини тушунаман»[1].

Очеркчилар бу парчада ҳали талаба бўлган бир ёш йигитнинг нарсалар моҳиятига қарашини унинг ўз тили билан қайд қиладилар. Шу билан бўлғуси буюк олимнинг характерини, ўз ишига қандай қарашини санъаткорона далиллайди. Очерк қаҳрамони Ҳабиб Абдуллаевнинг жаҳонга донғи кетган олим бўлиб етишишидаги унга хос бўлган билим, заковатни, нарсалар моҳиятига қарашини китобхон тўла тасаввур қилади. Шу билан китобхонни ҳам нарсалар моҳиятини теран тушунишга ундайди.

Очеркда айтилган бу гаплар масаланинг бир томони холос. Шеъриятда мазмун романтик бўёқларда акс этиб реал ҳаётдан гўё узоқлашган тарзда намоён бўлиши мумкин. Бу ҳол шоир туйғуларининг парвози, хаёл уфқининг кенглигига ва юксаклигига боғлиқ. Муаллиф шеър деганда, нонни, эрк деб тўкилган қондан яралган буғдойни туйиш, туйганда ҳам юракдан туйиш кераклигини уқтирар экан, биз унинг поэзияни қандай идрок қилганини, шоир сифатида қандай масъулият билан ёндошаётганини кўрамиз. Шоир поэзиянинг моҳиятини ўзича шундай кашф қилади. У шеър деганда ҳар бир нарсада тарихийлик, диалектик бирлик кўради. Олим

[1] Раҳмат Худойбердиев, Мамадали Маҳмудов. Халқ фарзандлари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979 йил, 32-бет.

нон деганда инсоннинг меҳнат тарихини, деҳқоннинг пешона терини, нонннинг кашф этилиш тарихини ўйласа, шоир нонни етиштирган тупроқ тарихини бу тупроқ ҳимоячиси инсонни ва эркинлик учун кураш тарихини уларнинг тўккан қонини ҳис этади. Мана «Шеърият—бу қийин иш эмас, ёзсанг агар юракни асраб» сатрларидаги баён ролини ўйнаган фикрдан чиқарган поэтик хулосаси. Китобхон «шеърни юракдан ёзиш керак» деган иборани кўп эшитган. Бу тушунча аксиома бўлиб қолган. Бироқ шоир ана шундай барчага маълум оддий ҳақиқатдан катта поэтик маъно чиқариши лозим. Бу шеърда баён ҳам, риторика ҳам бор. Лекин баён ҳам, риторика ҳам ўз ўрнида қўлланилганки, улар поэтик оҳангга эш бўлиб шеърнинг гўзал безагига айланган.

Икки таниш учрашганда аввало саломлашади, ҳол-аҳвол сўрашади, кейин мақсадга ўтилади. Баъзан бу танишлар шундай эзмалик билан ҳол-аҳвол сўрашадики, улар ўртасидаги муносабат (агар ёнида бошқа бир шахс бўлса) ёлғон эканлиги кўриниб туради. Чинакам яқинларнинг саломлашиши оддий ва содда, қисқагина бўлади. Лекин бир-бирига меҳри балқиб туради. Ҳақиқий таниш саломидек шеърнинг илк мисрасидаёқ фикр конкрет, китобхонни ўзига жалб этувчи жозиба касб этиши зарур:

Энди менга икки дунё бир,
Ҳаёт нима, нимадир оғу.
Худолигин қилолмас тақдир,
Фаришталик қилолмас орзу.

Тикиламан — майсалар кулар.
Интиламан порлайди офтоб.
Мен яшайман. Нуқталар кулар
Менинг умрим сўроғу хитоб.

Қийналади, ёнади дилим,
Қўшиқ куйлаб севги ҳақида.
Исминг нима эди, севгилим?..
Наҳот исминг бўлса... ҳақиқат.

Бу келтирилган шеърда поэзияга хос кўп нарса мавжуд. Лекин конкрет фикр йўқ. Ростини айтганда муаллақ шеър. Шоир илк бор ҳаётдан қўл ювган унга «икки дунё бир бўлиб қолган» афтода лирик қаҳрамон тилидан сўзлайди. Бу қаҳрамон шундай ҳолга тушганки, уни худо ҳам, фариштa ҳам изига сола олмайди. Чунки унга ҳамма нарса бир, бефарқ бўлиб қолган. Муаллиф шу хилда лирик қаҳрамон тасвирини бериб у тикилганда майсалар кулишини, офтоблар порлашини, яшаганда «нуқталарнинг кулиши»ни қайд қилади ва ҳаётининг сўроқ ва хитобдан иборат эканлигини айтади. Икки дунё бир бўлиб ҳамма нарсадан юз ўгирган кимсанинг тикилишига майсаларнинг кулишини, офтобнинг порлашини қандай тушуниш керак?! Ҳамма нарсадан юз бурган одам муҳаббат ҳақида қўшиқ куйлаб, «Исминг нима эди, севгилим?.. Наҳот исминг бўлса... ҳақиқат» дея айта олармиди? Биз йўқ деймиз. Бизнинг назаримизда «менга икки дунё бир» дея қатъий хулосага келган шахслар ўта жиддий одамлар бўлади. Бу жиддий одамлар ўзининг юз бурган нарсасига қўшиқ битиб, яна «номинг нимайди» дея сўраб ўлтирмайди. Бу

хил одамлар бир нарсадан юз бурдими, тамом вассалом. У шу билан орқага чекинмайди. Шеърда сўздан то нуқта, вергулгача ҳамма нарса образ. Образ бўлганда ҳам умум ғояга хизмат қиладиган бадиий образ вазифасини ўтайди. Агар прозада қаҳрамон «энди менга икки дунё бир, Ҳаёт нима, нимадир оғу» дея гапирганда унинг бундай хулосага келиш сабабларини кўрсатиб беришини муаллифдан сўзсиз талаб қилинарди. Поэзияда характер учун ушбу сатрлар бас. Қолган тушунчаларни китобхоннинг ўзи тасаввур қилади, тўлдиради. Лирик қаҳрамон тушган ҳолатни дилдан ҳис этади. Поэзияда ҳар бир сўзнинг образ эканлиги ҳам шунда.

Назмдами, насрдами санъат асарнинг талаби битта—конкретлилик. Фикр аниқ, равшан ўз ифодасини топмас экан, муаллиф қанчалар чечан, чапдаст бўлмасин ёзган нарсасини онгли китобхонга юқтира олмайди.

Бу асарнинг муаллифи Усмон Азимов жўшқин, эҳтиросга бой шоир. Бироқ унинг ижодида шундай мақсадсиз шеърлардан ташқари заминсиз асарлар ҳам йўқ эмас. Биз таҳлил қилган шеърда шоирона қайноқлик, поэтик мушоҳада бор. Бу уч банддан иборат шеърни бирлаштириб турадиган аниқ концепция йўқ. Натижада банд бандлигича, мисра мисралигича қолган. Бу хилдаги шеърлар баёнчиликнинг «юксак» намунаси деса бўлади.

Кабардин-болқар шоири Қайсин Кулиев: «Санъат ҳақиқатсиз—беқанот қуш» деганида минг чандон ҳақ. Шоир шеърга асос қилиб

олган фикрни халқнинг тилида, дилида юрган, кундалик ҳаёт ҳодисалари асосига қуриши лозим. Шоир тасвирлаган воқелик ҳаётий ҳам бўлиши мумкин. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Ундан керагини олиб нокерагидан воз кечишнинг ўзи катта санъат. Ёшлар ижодида баъзан шундай ҳоллар учрайдики, китобхонга маълум бўлган гапларни бир сафга териб қофиялардан иборат сўзлар мажмуасини инъом этади. Чапдаст дурадгор бир шаклдаги эшик ёки дераза ясаб ташлайверганидек тажрибага эга қаламкашлар «ёз»га «соз»ни қофия қилиб «шеър» дўндириб ташлайберадилар. Мана, юракдан ёзилмаган шеърнинг осонлиги. Биз баъзан «маҳорат» деган сўзни кўп ишлатамиз. Ҳатто бу сўзни Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуломлар қаторида энди адабиётга кириб келган қаламкашларга ҳам қўллаб қўйганимизни билмай қоламиз. Маҳорат—бу истеъдод. Истеъдодли кишилардагина ўз ишини қойилмақом қилиб дўндириб ташлайдиган маҳорат бўлади. Шунинг учун ҳам «маҳорат» билан «тажриба» сўзларининг ўрнини алмаштириб юрамиз. Адабиётимизда етук маҳоратга эга шоирларни бармоқ билан санаш мумкин бўлса, тажрибали қаламкашларни санайдиган бўлсангиз саноқда янглишасиз.

Даврaларда баъзан «фалон шоир ўн китоб чиқарибди, фалони эса саккиз китоб чиқарибди» деган гапларни эшитамиз. Афсуски, бу хил қаламкашларнинг шеърларини ўзи югуриб ёздиртирган тақризчисидан бўлак ҳеч ким ўқимайди. Ўқиганлари ҳам эрмак талаб мухлислар бўлса ажабмас. Хўш, нима учун шундай. Бу хил қалам эгаларида маҳо-

рат йўқ, тажриба бор, малака бор. Матбуотда бирон истеъдодли шоирнинг асари мақталган, шеър мухлислар томонидан олқишланган бўлса худди шу асарга ўхшаш «ака-ука» асарлар пайдо бўладики, ўқисангиз уялиб кетасиз. Истеъдодли шоир бошлаган мавзу ҳатто шу даражага етадики, китобхон шу мавзудан юз ўгиришгача боради.

Назмбозлик, баёнчилик бугунги поэзиямизнинг энг катта қусуридир. Назмбозлик, баёнчилик аксарият бадиий саводсизликдан келиб чиқади. Бадиий савод олий маълумотлилик билан белгиланмайди. Агар биз бу ўринда улуғ рус шоири М. Ю. Лермонтовнинг ўн тўрт яшар пайтидаги мана бу сатрларини эсласак фикримиз яна ҳам ойдинлашади:

Мен ҳаракат қилмоғим шарт, менинг ҳар куним
Мангуликнинг йўлларида бўлсин серунум.

Ёки бўлмаса ҳали ўспиринликдан ажралиб чиқмаган бир паллада оташқалб Усмон Носирнинг ёзган шеърларини, унинг Пушкин, Лермонтовдан қилган таржималарини бугунги саводхон, олий маълумот олган ёшлар ижоди билан қиёс қилсак, ҳатто ачинарли ҳолни кўриш мумкин. «Ёш гвардия» нашриёти «Олтин беланчак» сериясида икки йил ичида 20 муаллифнинг шеърий китобларини чоп этди. Бу ташаббус бир жиҳатдан поэзиямизнинг жамоли ва камолини кўрсатадиган факт. Аммо шу китоблардаги ақалли ярми чин маънодаги талантли шоирларнинг китоби бўлса қани эди. «Олтин беланчак» сериясида чоп этилган 80-йилги китобларга шоир Тўлқин редакторлик қилган. Афсуски,

Тўлқиннинг ўз шеърлари юқорида биз қайд қилган қаламкашлар ижодидан фарқ қилмайди. Биз демоқчимизки илк китоби чиқаётган ёш ижодкорларга истеъдодли, қаттиқ қўл мураббий редактор зарур. Фикримизнинг далили учун Тўлқиннинг «Сенга атаганларим» туркумига кирган «Кўнгил» номли шеъридан бир мисол келтирайлик:

Қадимлардан қолган бу нақл:
Етти ўлчаб бир кес, демишлар
Ҳеч йўл тутма, ишлатмай ақл,
Ақл билан битгай кўп ишлар...

Бу банд шеърнинг дебочаси. Биз қайд қилаётган конкретлилик мавжуд. Шоир ўз ўқувчисига айтмоқчи бўлган фикрининг замини ҳам шу дебочада бўлиши зарур. Бу тўртликда бундай фикр бор ҳам деяйлик. Қани муаллиф бу ёғига нима деркин:

Йўл юрганда, дўстим, кўрдингми?
Йўлларингда бордир бир манзил.
Учратдингми, учратмадингми?
Бу манзилнинг номидир—кўнгил.

Мана шоир таъбири билан кўнгилнинг бир манзилгоҳ эканлигини ҳам билдик:

Ундан балки кўп бор ўтгансан,
Босган изинг хотирингга ол?
Балки билмай ташлаб кетгансан,
Балки уни этгансан поймол.

Висол ширин. Этар кўп ташна.
Сен севгига қалб тутдингми, ҳей?
Уз-ўзингдан сўраб кўр, ошна,
Бирор дилни забт этдингми, ҳей?

Бу саккиз мисрада бор-йўғи бирон кўнгилни овладингми демоқчи холос, бундан ортиқ гап йўқ:

Севгига ҳам бўларсан эга,
Лабларингда ўйнар табассум...
Кўнгил номли бекатда нега
Хаёл суриб тўхтадинг бир зум?..

Энди муаллифнинг илк бандларига қайтайлик. У илк бор ўқувчига «етти ўлчаб бир кес», «ақл билан иш қил» каби халқнинг мақол ва иборалари билан мурожаат қилганди. Хўш, биринчи бандга биз келтирган ўн олти мисранинг, кўнгил ҳақидаги гапларнинг нима алоқаси бор? Кўнгил ҳақидаги гаплар ёки янгиликми? Йўқ. Нимага шундай? Бизнингча, бугунги давр савиясини, китобхонлар дидини ҳисобга олмаган кўринади. Энг муҳими шоирнинг давр билан ҳамнафас яшамай ўзининг ички майллари билан овора бўлиб қолганлигида бўлса керак. Мана, шеърнинг хулосаси:

Тоза кўнгил — қуёшга ўхшар,
Фақат унга меҳр муносиб.
Кўплар унга етолмай яшар,
Кўпларга у қилмагай насиб.

Баъзан шундай шеърлар учрайдики, унда на кишини ўйга толдирадиган катта гап бўлади, на китобхонни ҳайратга соладиган образ бўлади. Лекин шеърни ёдлашга, такрор-такрор ўқишга мажбур этади. Бу хил шеърларда умум инсонга хос бўлган олий ҳислар шундай оддий сўзлар орқали берилган бўлади, у бутун руҳингизга таъсир этади, дунё яна ҳам гўзаллашиб кетгандек туюлади. А. С. Пушкиннинг «Мен сизни севардим» мисралари билан бошланадиган шеъри ана шундай санъат намунаси. Ёки бўлмаса Ҳамид Олимжоннинг қатор лирик шеърларини эслаш мумкин. Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеърини келтирсак фикр яна ойдинлашади:

Чапай аскарлари келдилар босиб,
Босиб келди оқлар устига.
Томошабин йигит юраги тошиб,
— Бизникилар, — деди дўстига.

Раҳимов фашистларнинг кўзича
«Мессершмит»ларнинг кўзини ўйди.
Кимдир мамнуният билан ўзича
— Бизникилар, — деб қўйди.

Йироқ ўлкаларда кезарди сайёҳ,
Кезарди юртига кўзини тикиб.
Советлар сўзини эшитди ногоҳ,
— Бизникилар, — деди энтикиб.

Ҳеч ким мангу эмас ушбу оламда,
Агар бир кун таним кўмсалар.
Қошкийди, аҳли юрт туриб тепамда,
— У бизники эди, — десалар...

Баёнчиликка берилган бир қаламкаш бўлса Абдулла Орипов шеърининг ҳар бандини катта бир асар қиларди. Баёнчи қаламкашларда шундай бир хусусият борки, шеър материалини (у янги фикр бўлмасин), атрофлича баён қилишга киришиб ўқувчига воқелик-

нинг миридан-сиригача айтиб беришни хуш кўрадилар.

«Бизникилар»да муаллиф биринчи бандда Чапаев ҳақида қисқа ахборот беради-да, томошабин дилидан кечган «бизникилар» деган сўзини қайд қилади. Шу билан бир бандниинг ўзида ҳам баён, ҳам хулоса қилади. Шоир китобхонга ишонади. Чунки китобхон Чапаевнинг кимлигини ва ким учун, кимнинг бахти саодати учун курашганлигини яхши билади. Муаллиф иккинчи, учинчи бандларда ҳам худди шу тариқа поэтик приёмдан моҳирлик билан фойдаланиб, кейинги тўртинчи бандда ўзининг санъат асарига хос бўлган шоирона хулосасини чиқаради.

Баёнчи шоир аввало Чапаевнинг кимлигини ва унинг нима учун курашганлигини узундан-узоқ тасвирлаб кейин томошабиннинг олди-қочди хаёлларини бериб ва жўнгина бир якун қиларди. Шу тариқа «Бизникилар» шеъри поэма номи билан эълон қилинган бўларди.

Ҳақиқий санъаткор давр мезонини аниқ ҳис этади. Унинг ўткир нигоҳи ҳаёт материалини керагидан нокерагини шундай ажратиб ташлайдики, кишига турмушнинг ўзида бундай поэзиябоп материал мавжуд туюлади.

Бугунги шеъриятимизда баён ва баёнчиликнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Айниқса бу қусур ёшлар ижодида анча тараққий этмоқда. Биз қайд қилган ёшлар ижодидаги баёнчилик бадиий саводсизлик туфайли юз бераяпти деб бўлмайди. Уларда дид ҳам, савод ҳам етарли. Улардаги камчилик асосан ўз фикрларига маҳлиё бўлиб,

қадрларини баланд тутишида кўринади. Уч, тўртта шеър эълон қилган баъзи ёшлар ўзларига шундай эрк берадиларки, ҳатто уларнинг гапларини эшитган шеър мухлислари уялиб кетади. Бу хилдаги ёшлар даврнинг баъзи бир ўткинчи шамолларига учиб кетмасдан ўз халқимизга хос бўлган одоб-ахлоқ билан, коммунистик эътиқод билан ўзларининг ички маданиятини тарбиялаши лозим.

Шоир—бу тарбиячи. Ўзи тарбияга муҳтож қаламкашни шоир, деб бўладими?

Баёнчилик ҳақида гап кетар экан, шеъриятимиздаги яна бир қусур ҳақида тўхталсак фойдадан холи эмас. Бу қусур сохта билимдонликдир. Кўпчилик ёшлар шеър машқида ўзининг билимдонлигини, топқирлигини кўрсатишга мойиллик билдирадилар. Поэзиянинг табиати, бу хил «билимдонлик»ни кўтармайди. Биз улуғ санъаткорлар ижодини, улар яратган асарларни ўқиганимизда улардаги билим-заковатни қалбдан ҳис этиб қойил қоламиз. Улар асарларига сингдирган мазмуннинг теранлигини баъзан бизнинг ақлимиз бўйламайди ҳам. Бу мазмун, бу теранлик соддагина тасвир замирида ётади. Агар биз Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» қасидасини кўздан кечирсак, унда ҳеч қандай донолик кўзга ташланмайди. Бироқ шоирнинг поэтик шуури маънолар хазинасининг эшигини очиб қўяди. Ёки Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидасини ўқиганда ҳам руҳимизда шундай кайфият ҳоким бўлади.

Шеърият билан суҳбатлашиш унинг назокатли туйғуларини қалбан ҳис этиш учун шеърхон руҳида ҳам шоирона мойиллик бў-

лиши шарт. Бундай мойиллик бўлмаган китобхонда шеъриятга ихлос, гўзалликни ардоқлаш ҳисси бўлиши қийин.

Поэзиянинг онаси соддалик. Соддаликка эришган қалам эгасигина кенг китобхонлар қалбига йўл топади. Баъзи ёшлар соддаликни жўнликдан фарқламай мураккабликка, жимжимадорликка интиладилар. Шу билан уларда ҳавойи бир руҳ пайдо бўлади. Боланинг шохдаги олмага бўйи етмаганда сапчиб бўй чўзгандагидек, баъзи ёшлар шеър ёзишда имкони етмаган юксакликка беҳуда сапчийдилар. Натижада тумтароқ, ҳатто ўзлари ҳам тушунмайдиган ташбеҳлар, образли ифодалар «кашф» қиладилар. Ўзларининг ақли бовар қилмаган нарсаларга ўзгаларни ишонтирмоқчи бўлиб уринадилар. Қарабсизки, баёндан баёнчилик вужудга келади.

Баъзан эълон қилинаётган шеърларни уларнинг табиатига қараб лирик, фалсафий, публицистик асарларга бўламиз. Кўпроқ риторика устунроқ шеърларни публицистик асарлар сирасига киритамиз. Шеърни биз тирик организм дер эканмиз унинг тириклигини ҳис ва туйғуларнинг бирлигини ташкил этадиган фикр сақлайди. Ҳис ва туйғуларнинг бирлигини сақлайдиган фикр бўлса-ю, шу тасвирланаётган воқеликка шоир муносабатининг самимийлиги бўлмаса ҳам шеър кўнгилдагидек санъат асари даражасига кўтарилмайди. Гоҳо самимиятсиз шеърлар муаллифининг маълум бир шахсий манфаатлари нуқтаи назаридан ёзилади. Бу хил шеърий шаклдаги манзумаларда ҳис ва фикрнинг уйғунлиги уёқда турсин оригинал фикрнинг ўзи бўлмайди. Бу хил қаламкашларга бундан бир

ярим асрдан кўпроқ илгари яшаб ўтган шоир Мунис Хоразмий биз учун ҳам тўғри жавоб берган:

Лаънат ул шоирғаким, ҳирсу тамаъ таҳрикидин
Кўргузур ҳар сифлау покаса изҳори мадиҳ...

Шеърият билан суҳбатлашиш шавқи билан шеърий мажмуаларни варақлаганда Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достонидаги қуйидаги сатрлар хаёлдан ўтади:

Шоир бўлсанг,
Бўлсин қалбинг.
Элга қурбон бўлгудек
Шоир бўлсанг
Бўлсин ҳалқинг
Сенга қалқон бўлгудек...
...Шоир бўлсанг,
Қалб чироғинг.
Ёниб турса то абад.
Бу дунёдан
кетар чоғинг
Йиглаб қолса шеърият...

Шоирликка берилган бу таърифни таърифлашнинг ўзи ортиқча! Биз инсон ақл-заковатининг энг гуллаб-яшнаган даврида яшаяпмиз. Шоир шеърида таъкидлаганидек қалқон бўлгудек халқимиз, Ватанимиз бор. Ҳамма ишда бош-қош ленинча партиямиз — таянчимиз бор. Кўкрак кериб жаҳон минбаридан

ҳайқириб, ҳайқириб шеър ўқишга ҳаққимиз, ўринимиз бор. Шунинг учун ҳам шоирларимиз майда ҳисларга ўралашиб қолмаслиги лозим. Шоир таъбири билан айтганда, шеър майда ҳисларни ёқтирмайди.

Шеъриятимизда бир-бирига ўхшамаган ёш истеъдодлар кўп. Улар бугунги кунда ўзларини кашф қилмоқда, изланмоқда. Изланишлар сабаб бўлса керак уларда тебранишлар, турмушнинг арзимас шамолларига учишлар оз бўлмасин кўзга ташланмоқда. Юқорида номлари зикр қилинган Сулаймон Раҳмон, Эргаш Муҳаммад, Абдулла Шер, Азим Суюн, Усмон Азимов, Хуршид Даврон, Муҳаммад Солиҳ, Саъдулла Ҳаким, Тоҳир Қаҳҳор, Пўлдош Эшбек каби қатор-қатор шоирларимиз шеъриятнинг улкан йўлига тушиб олди. Булар жуда катта билимга ҳам эга. Улар билан суҳбатлашсангиз ҳам худди шеърларини ўқиганингиздек кўнглингиз тўлади. Бироқ бу қалам эгалари ўз шеърларида баъзан шундай билимдонлигини кўз-кўз қилишга маҳлиё бўлиб кетадики, натижада ёзган шеърларини ўзларидан бўлак ҳеч ким тушунмай қолади. Аслида шеър доно қалбнинг меваси. Шеърдаги донолик кўпчиликка тушунарли бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ҳам устозлар тажрибасини ёшларимиз ҳамиша эсда сақласа яхши бўларди. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романини ёзишда халқимиз савиясини назарда тутдим, дея қайд қилади. Ёзувчи 30-йиллар халқимизнинг маданий савияси, тушунчаси доирасидан келиб чиқиб масалага ёндашган бўлса ҳам роман ҳамон бизни ҳайратга солади, такрор-такрор ўқиймиз. Асардаги бу сиру синоат қаҳрамонлар қиёфасига

муаллифнинг дарди сеҳрлилик билан сингдирилганида. Шунинг учун ҳам ҳар бир китобхон романни ўқиганда ўзича маъно уқади. Халқимизнинг ўтмиши ва келажаги хусусида ўйлайди. Улуғ рус шоири А. С. Пушкин хусусида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. У замондошларидан шу даражада ўзиб кетганки, ўз тушунчаси, савияси даражасида туриб шеър ёзса, уни ҳеч ким тушунмаган бўларди. Ундаги донолик шундаки, ҳаёт тараққиётини тўғри англаб, ўз даври талабларига ўша замон мезони билан санъаткорона жавоб берган. Шундан бўлса керак, Пушкин билан суҳбатлашиш шеърхон учун қийин эмас. У каттага ҳам, кичикка ҳам баробар қалбини кенг очиб беради.

Биз бу ўринда Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги сатрларини эсласак жоиздир:

Тоғлардаги қип-қизил лола,
Гўё бўлиб ёқут пиёла.
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади уйқу.
Далаларда бошланади иш,
Бошланади ижод ва турмуш.

Халқимиз азалдан деҳқон халқ. Деҳқончилик бобомерос. Шоир баҳор тасвирини берар экан, гапни далаларга буради. Халқимизга хос хусусиятларни содда мисралар бағрига санъаткорлик билан сингдиради. Бу мисраларда на жимжимадорлик, на сохта донолик

бор. Бунда фақат қалбларни ром қиладиган поэзия мавжуд.

Қаламкаш дўстларга Пушкин шундай ёзган, Ҳамид Олимжон бундай ёзган, сизлар шундай ёзинг дея ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Биз бу дўстларимиз яратган шеърият ўз мухлисларини суҳбатга чорлаб турсин, уларнинг эъзозида бўлсин, ҳамиша номлари эҳтиром билан тилга олинсин деймиз.